



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 24-noyabr • Shanba • 143 (27.788) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ЎзХДПнинг энг устувор йўналишларидан бири — ижтимоий ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳолининг ҳимояга муҳтож, кам таъминланган қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришдан иборат.



23 ДЕКАБРЬ —
Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови куни

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Аслиддин Ашурбаевич Рустамовнинг дастури



Ушбу дастурда баён этилган устуворликлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қатъий риоя қилиш, Ўзбекистоннинг мустақиллигини асраш ва мустаҳкамлаш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, мамлакатда фуқароларорамда ҳамда миллатлараро тотувлик, ижтимоий барқарорлик вазиётини кўз қорачиқдай сақлаш ва таъминлашга қаратилган миллий манфаатларга садоқат каби қоидаларга асосланади.

Дастур ҳақида сўз кетганда, шуни назарда тутамизки, у айнан шу одамларнинг эҳтиёжларига, уларнинг муносиб келажагини таъминлашга йўналтирилган.

Бунда асосий эътибор аҳолининг мазкур қатламларига нисбатан ижтимоий адолат, ижтимоий кўллаб-қувватлаш ва аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимояни таъминлашга қаратилади.

Биринчи галдаги ислохотлар ва ўтиш даври ўзгаришларининг дастлабки босқичидаёқ, айниқса, мамлакатни фаол янгилаш ва модернизация қилиш босқичида Ўзбекистонда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий соҳаларни ислох қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Чуқур иқтисодий ислохотларнинг изчил амалга оширилиши натижасида мамлакат иқтисодиётининг жадал ўсиши таъминланмоқда. Буларнинг барчаси айни пайтда халқ фаровонлиги ва даромадларини изчил оширишга оид стратегик муҳим вазифаларни рўйга чиқариш учун мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Шуни тан олиш керакки, мамлакатимизда ижтимоий соҳада, шу жумладан, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий кўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш даражасини кўтариш борасида кўп ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бир қаторда, мамлакат саноҳиятининг тобора ортиб бораётганлиги, ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг ҳозирги етуқ даражаси аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш вазифасини самарали ҳал этиш учун янги, қўшимча имкониятлар яратмоқда. Мазкур масалаларни ҳал этишга мавжуд ва ҳали етар-

лича фойдаланилмаган захираларни жалб қилиш, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жойларда ижтимоий муаммоларни ҳал этиш борасидаги фаолияти самарадорлигини ошириш вазифаси муҳимлигича қолмоқда.

Мазкур ва бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш дастуриимизнинг асосий мазмунини ташкил этади. Унинг устувор йўналишлари қуйидагилар:

Биринчи устувор йўналиш ижтимоий ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳолининг ҳимояга муҳтож, кам таъминланган қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришдан иборат. Дастурда ушбу йўналиш ижтимоий адолат ва ижтимоий бирдамлик тамойилларини қарор топиши ҳамда уларни амалга ошириш борасидаги асосий вазифа сифатида белгиланган. Мамлакатимизда яшашга ётган ва ижтимоий ёрдамга муҳтож ҳар бир фуқаро давлатнинг гамҳўрлиги ва ён-атрофидagi кишиларнинг меҳр-муруватини доимо сезиб яшаш керак.

Ижтимоий ҳимоя тамойилларининг амалга оширилиши мустақкам иқтисодий асосга эга бўлиши лозим. Шу мақсадда биз мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш буйича амалга оширилаётган ислохотларни, жумладан, солиқ қонунчилигини такомиллаштириш, ушбу асосда ижтимоий соҳани бюджет ва бюджетдан ташқари молиялаштириш даражасини янада оширишга доир қўрилаган чораларни кўллаб-қувватлаймиз.

(Давоми 2-бетда)

Ҳар бир фуқаронинг овози сайловда муҳим аҳамиятга эга

Халқимизнинг бугунги фаровон ҳаёти, гўзал турмушини кечаги кун билан асло қиёслаб бўлмайди. Нимага десангиз, одамларнинг онгу шуури ўзгарди, тафаккури янгиланди.

Фарзандлар тарбиясига эътиборсизлик келажакка хавф таҳдиди

Бир савол кишини қаттиқ ўйга толдиради: нега айрим ота-оналар фарзандлари қаерда, қилардан нимани ўрганишаётгани билан жиддий қизиқишмайди?..

Ватаннинг матонатли фарзандлари

Туркияда ўтказилган жаҳон чемпионатида ногирон футболчиларимиз халқимизнинг спорт соҳасидаги юксак салоҳиятини, ҳеч қачон ва ҳеч қимдан кам бўлмаглигини яна бир қарра намойён этишди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Футбол буйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси аъзоларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Футбол буйича ногирон-ампутантлар ўртасида ўтказилган 2007 йилги жаҳон биринчилигида чемпионликни қўлга киритиб, жисорат ва матонат намунасини кўрсатгани, халқаро мусобақаларда юртимиз шайнини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган спортчи ёшларни тарбиялашга, ўзбек футболининг шухратини дунёга танитиш, унинг нуфузини юксалтиришга катта ҳисса қўшгани учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASIDA ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ
Исмаилов Анвар Акбарович — Футбол буйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг бош мураббийси

ЎЗБЕКISTON ИФТИХОРИ
Абдурахмонов Азиз Абдукаримович — Футбол буйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси
Азимов Азизжон Каримович — Футбол буйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси
Сулеймонов Павел Таджибаевич —

Футбол буйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

Ташходжаев Зоҳидходжа Олимович — Футбол буйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

Турсунбаев Хайдарали Умаралиевич — Футбол буйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

Шукров Абдуҷамил Абдулазизович — Футбол буйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 22 ноябрь

Чемпион футболчиларимиз тақдирланди


Аввал хабар қилинганидек, Туркиянинг Анталия шаҳрида футбол буйича ногирон-ампутантлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси саккиз учрашувнинг барчасида галаба қозониб, жаҳон чемпиони деган шарафли унвонга сазовор бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 22 ноябрда қабул қилинган Фармонида биноан ана шу терма жамоа аъзоларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг фахрий унвонлари билан тақдирланди.

Тошкентда 23 ноябрь куни жаҳон чемпиони — футбол буйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасини шарафлаш маросими бўлди.

Тадбирда юртимизда спортни ривожлантиришга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор берилган алоҳида таъкидланди. Халқимизни, айниқса, ўсиб кел-

лаётган ёш авлодни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш мақсадида ҳар йили барча қулайликларга эга юзлаб спорт иншоотлари барпо этилиб, замон талабларига мос даражада жиҳозланаётди.



Сайлов ҳақида Саволингиз борми?

Таҳририятимизга Қорақалпоғистон Республикасининг олис Қўнғирот туманидан Қутлимурат Қўдрийязов телефон қилди. «Ўзбекистон овози» газетасини доим ўқиб боришини айтди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови билан боғлиқ савол жавобларни кузатиб бораётганини таъкидлади. Шунинг би-

лан бирга, ўзини қизиқтирган Президентликка номзоднинг ишончли вакиллари хусусида айрим саволларга жавоб олиш истагини билдирди. Биз ҳуқуқшунос Нодирбек Искандаровдан ушбу саволларга жавоб беришини сўрадик.

— Президентликка номзоднинг ишончли вакили тунчасига изох берсангиз.

— Ишончли вакиллар институти сайлов жараёнида ўзига хос ўрин тутди. Ишончли вакил деганда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг тақдиримасига кўра Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган, номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда бевосита ёрдам берувчи, унинг

сайлашиши учун тарғибот олиб борувчи, номзоднинг манфаатини давлат ва жамоат ташкилотлари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда ҳимоя қилувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси тушунилади.

(Давоми 2-бетда)

ЎзХДП вилоят кенгашларида

Кучли ижтимоий сиёсат

давлат ва жамият қурилишининг асосий устувор йўналиши

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг вилоят филиали ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбати ана шу мавзуга бағишланди. Унда Ўзбекистон ХДП фаоллари, бошланғич ташкилотлар етакчилари, «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари, шунингдек олимлар, мутахассислар, талабалар иштирок этдилар.

Давра суҳбатида жамиятимизда халқ фаровонлигига эришиш, ижтимоий ҳимоя соҳасида олиб борилаётган ишлар, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга оширишда сиёсий партияларнинг иштироки, мамлакатимизда ижтимоий соҳа ривожига қаратилган ислохотлар ҳамда уларда жамоат ташкилотларининг ўрни тўғрисида фикрлар алмашилди.

Мутахассислар тараққиётнинг ўзбек моделида ижтимоий сиёсатнинг устуворлиги, ижтимоий ҳимоя тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган давлат сиёсатининг асослари ҳақида ўз фикрларини билдирдилар. Анжуман якунида ушбу соҳада жамоат ташкилотларининг иштирокини кучайтиришга оид тақлифлар ишлаб чиқилди.


(Ўз мухбиримиз)

Дилдора — миллий танлов ғолибаси



Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси ташаббуси билан ташкил этилган «Йил аёли» биринчи миллий танловининг республика босқичи ғолибаларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги мавқеини юксалтириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, интеллектуал-касбий билим ва маҳоратини юксалтириш, аёллар учун, айниқса, чекка ҳудудларда янги иш ўринларини ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятига яқиндан қўмаклашиш борасидаги кенг қўламли ишлар ўз самарасини бераётди.




Коллежнинг янги биноси

Сурхондарё вилояти Музрабод туманида кичик ва ўрта бизнес касб-хўнар коллежнинг янги биноси фойдаланишга топширилди.

720 ўринли замонавий ўқув муассасасини «254-ПМК» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари барпо этди. Ёруғ ва шинам синфхоналар замонавий ўқув анжомлари ҳамда асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Ахборот-ресурс маркази, спорт зали бунёд этилди.

— Коллежимизда банк иши, архившунослик, бухгалтерия ҳисоби, молия агенти сингари опти йўналиш буйича мутахассислар тайёрланади. — дейди мазкур коллеж директори Хайдар Саодатов. — Бу ерда ўқувчиларнинг билим олиб, касб сирларини пухта эгаллашлари учун барча қулайликлар яратилган. Узоқдан қатнаб ўқийдиган ёшлар учун 50 ўринли ётоқхонамиз ҳам бор.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири



Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Аслиддин Ашурбаевич Рустамовнинг дастури

(Давоми. Боши 1-бетда)

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ҳамда гуруҳларини аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий қўллаб-қувватлашни кўзда тутувчи мақсадли давлат ижтимоий дастурлари рўйхатини кенгайтириш тарафдоримиз.

Биз мамлакатимизда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашга оид амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни қўллаб-қувватлашга ва шу билан бирга аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари вакиллари, ноғиронлар, меҳнат қилиш қobiliяти оғирлашган кишилар, кўп болали оилалардаги хотин-қизлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва меҳнат бозорига тенг шaroитларда рақобат қила олмайдиган бошқа шахсларни иш билан таъминлаш борасида қoнунчиликда кўзда тутилган қарoлатлар самарадорлигини янада ошириш тарафдоримиз. Пенсияларнинг ўз таъжрибаси ва касбий малакасида ижтимоий фойдаланиш маҳорати бўлган аҳолининг кўнунчилик ва тарбияланиш бўлимида иш билан таъминлаш борасида қoнунчиликда кўзда тутилган қарoлатлар самарадорлигини янада ошириш тарафдоримиз.

Бу ишнинг амалий йўналишларидан бири — ноғиронларни ижтимоий реабилитация қилиш масалаларини изчи қил ҳал этишдир. Аҳолининг ижтимоий заиф қатламларининг ўшбу гуруҳи таркибига фақат ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларгина қирамайди. Кўпгина ноғиронларнинг меҳнат қилиш қobiliяти чекланган. Айни пайтда уларда маълумотилик даражасини ошириш, имкониятларига қараб ижтимоий фойдали касбларни эгаллашга интилиш бор. Ҳозирги кунда имкониятлари чекланган кишиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, манфаатларини қондириш унун қoнунчилик даражасида зарур норматив-ҳуқуқий шарт-шaroитлар яратилди. Ушбу масала юзасидан қабул қилинган қoнун ҳужжатларининг оғинмасдан ижросини таъминлаш, мазкур соҳада норматив-ҳуқуқий базани янада ривожлантириш зарур.

Давлат бошқаруви маҳаллий органлари ходимларининг, уларнинг ваколатига қирадиган аҳолини мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал этиш бўйича масъулиятини ошириш ҳам энг муҳим вазифа ҳисобланади. Бу борадаги таҳлиллар шунини кўрсатадики, қабул қилинган дастурларда белгиланган тегишли вазифаларнинг амалга оширилишига давлат бошқаруви маҳаллий органлари аппаратидаги базис бир амалдорларнинг расмиётчилиги ва бюрократик муносабатлари ҳамда ижро интизомини даражасининг пастлиги тўсиқ бўлмоқда.

Шу муносабат билан биз давлат бошқаруви органларида оддий фуқаролар манфаатларига тааллуқли бўлган масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишга йўналтирилган «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қoнунининг тез орада қабул қилиниши тарафдоримиз. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, кам таъминланганлар, ноғиронларнинг ижтимоий реабилитацияси масалаларини қoнунчилик йўли билан тартибга солишни янада яхшилаш бўйича ишларни давом эттириш керак, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу йўналишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг, уларнинг ваколатига кирувчи, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш, жамиятда ижтимоий адолат муносабатларини қўллаб-қувватлашга доир вазифаларнинг бажарилиши унун масъулиятини ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

мустақамлашга доир вазифаларнинг бажарилиши унун масъулиятини ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Дастуримизга кўра, мақсадли ижтимоий ҳимоя вазифаси фақат давлатнинггина иши бўлиб қoлмаслиги керак. Мазкур масалани изчил ҳал этишнинг муҳим вазифаларидан бири жамиятда ижтимоий бирдамлик муносабатларини ривожлантиришга кўмаклашиш, бунинг унун жамиятнинг иқтисодий фаол аъзолари ҳамда турли ижтимоий институтларни энг муҳим ижтимоий дастурларни бевосита амалга оширишда ва аҳолининг ижтимоий ҳимояланиш даражасини юксалтиришда фаол иштирок этишга рағбатлантириш лoзим.

Иккинчи устувор йўналишда уй-жой-коммунал хизматлар соҳасидаги ислохотлар самарадорлигини ошириш, энг аввало, шаҳар ва қишлоқ жойларида ижтимоий инфратузилма ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш кўзда тутилади. Сўнгги йилларда аҳолини ичимлик суви, табиий газ, жомаот транспорти ва бошқа хизмат турлари билан таъминлаш бўйича амалга оширилган кенг кўламли ишларни эътироф этган ҳолда, аҳолини коммунал хизматлар, уй-жой ва маиший хизматлар билан таъминлаш тизимини янада тақомиллаштириш, унинг замонавий талаблар ва стандартларга мос келиши тарафдоримиз. Бунинг унун мамлакатда тегишли шарт-шaroит ва имкониятлар яратилган.

Бунда аҳолини асосий коммунал хизматлар билан таъминлаш соҳасида рақобат муҳитини янада ривожлантириш, мулкдорларнинг ўз уй-жойларини сақлаш ва ундан фойдаланишда мустақиллиги ва масъулиятини ошириш ҳамда бу соҳада мавжуд ижтимоий бoқимандалик кайфиятини бартараф этишга кўмаклашиш ҳал этилиши лoзим бўлган асосий вазифалар ҳисобланади.

Аҳолига уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш сифатини янада олоҳида аҳамиятга эгадир. Жойлардаги аҳолини ўрганиш баъзи ҳолларда унинг замонавий талабларга тўлиқ мос келмаслигини кўрсатмоқда. Коммунал хизматларни кўрсатувчилар масъулиятини ошириш масаласи долзарб аҳамиятга эга. Шу жумладан, коммунал хизматларни кўрсатувчиларнинг бажариш қобилиятини янада юксалтириш, аҳолининг ижтимоий адолат таъминини ошириш ҳам унун долзарбдир.

Шуларни ҳисобга олиб, «Коммунал соҳада тарифларни тартибга солиш асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қoнунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тақлиф этилади. Бу қoнун ижтимоий адолат таъминини янада юксалтиришга қoнунчилик тарафдоримиз.

Дастуримиздаги учинчи устувор йўналиш давлат идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ижтимоий институтларнинг фуқаролик тарбияси ҳамда маърифатини ривожлантириш, аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини даражасини оширишда ўзaro ҳамкорлигини кучайтиришдан иборатдир.

Бу соҳадаги асосий вазифалардан бири — кишиларда ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари моҳиятини тўғри тушуниш, улардан онгли ва масъулият билан фойдаланиш, ўз ҳуқуқларини қoнуний ва ҳуқуқий воқоитлар, жумладан, суд орқали ҳимоя қилиш ҳисобланади. Фуқароларни қoнунга сўзсиз риоя қилиш, уларнинг жамият ва давлат олдига мажбуриятларини англаш руҳида тарбиялаш ҳам муҳим вазифадир. Бу борада мазкур дастурда унун аввало, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож, кам таъминланган қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қoнунчилик ва иқтисодий маданиятини юксалтириш ҳам муҳимдир.

Ҳалқимизнинг бугунги фаровон ҳаёти, гўзал турмушини кечаги кун билан асло қиёслаб бўлмайди. Нимага десангиз, одамларнинг онгу-шуури ўзгарди, тафаккури янгилади. Ҳуқуқий маданиятимиз ўсмоқда. Бунинг ҳар қадамда кузатиш мумкин. Олис қишлоғу маҳалла ва шаҳарларимиз чироий очмоқда. Бетақрор ва замонавий қурилишларни кўриб, кишининг ҳаваси, хайрати ортади. Ўз кучимиз, ўз имкониятимиз билан шундай бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганидан дилингиз гурурга тўлади. Ўзим меҳнат қилган «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлининг ишга туширилиши нафақат сурхондарёликлар, балки мамлакатимиз иқтисодиёти, темир йўл соҳаси тараққийида залворлик одим бўлди. Мамлакатимизда ягона темир йўл тизими бунёд этилиши билан бирга, жаҳонга чиқиш имконияти яратилди. Ахир бундан қувонмай бўладими?! Қолаверса, темирйўлчиларимиз ана шундай буюк ишлар қилишга қодир эканини намоиш этишди. Бу ишнинг давоми сифа-

қилиш ҳисобланади. Фуқароларни қoнунга сўзсиз риоя қилиш, уларнинг жамият ва давлат олдига мажбуриятларини англаш руҳида тарбиялаш ҳам муҳим вазифадир. Бу борада мазкур дастурда унун аввало, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож, кам таъминланган қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи давлат ва ижтимоий институтларни ҳар томонлама мустақамлашга жиддий эътибор берилди.

Ушбу соҳадаги энг муҳим вазифа — бу жамиятни маънавий янгилаш стратегия йўлидан боришни давом эттиришдир. Бу янгилашни мустақиллик йилларида шаклланиб, ҳалқимизнинг минг йиллик анъаналарини, аҳолининг ижтимоий муҳтож қатламларига нисбатан адолат ва инсонпарварлик принциплари муҳим таркибий қисми бўлган умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлаштирган ахлоқ-одоб нормаларига оғишмай амал қилишга асосланади.

Биз мамлакатимиз фуқароларини барқарорлик, тинчлик, фуқаролик ва миллатлараро тодувлик ва диний бағрикенглик йўлида жипслаштиришимиз лoзим, деб ҳисоблаймиз. Айни пайтда бозор иқтисодиётига ўтиш пайтида вуҷудга келадиган салбий ижтимоий ҳодисалар, хусусан, истеъмолчилик кайфияти, ортиқча исрофгарчилик, дабдабазoлиққа йўл қўймаслиқ лoзим. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шакллантириш жараёнида одамларнинг ижтимоий онги, иқтисодий маданиятини юксалтириш ҳам муҳимдир.

Тўртинчи устувор йўналиш — экологик мувозанатни таъминлаш, атраф-муҳитни сақлаш ва ҳимоялаш масалаларидан иборатдир. Биз мамлакатимизда табиий бойликлар — ер, сув, минерал ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган ишларни қўллаб-қувватлаймиз. Зарarli ишлаб чиқариш корxonаларини янада соғломлаштириш, атраф-муҳит аҳоли устидан доимий ошқoра назорат қилиш, саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида экологик тоза технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш корxonаларида меҳнатни муҳофаза қилишнинг самарали тизимини яратиш тарафдоримиз.

Айни пайтда аҳолининг экологик маданияти даражасини ошириш, ҳар бир кишида ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига тўғри муносабатда бўлиш тўғриси-ни, атраф-муҳитни ҳимоя қилишда манфаатдорлик билан ёндашиш фазилатларини шакллантириш бўйича давлат ва жамoатчилик дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашиш зарур.

Шу мақсадда тегишли қoнунларни ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги ва бошқа турдош қoнунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилади.



Баён этилган устуворликларни амалга ошириш жамиятда ижтимоий адолат даражасини кучайтиришга, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини мақсадли қўллаб-қувватлаш бўйича давлат ва жамoатчилик тизимини тақомиллаштиришга хизмат қилади, деб ўйлаймиз. Ўз навбатида, бу — мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг ҳозирги босқичида ҳалқ фаровонлигини муттасил ошириб бориш каби стратегик вазифани амалга оширишга хизмат қилади.

Халқимизнинг бугунги фаровон ҳаёти, гўзал турмушини кечаги кун билан асло қиёслаб бўлмайди. Нимага десангиз, одамларнинг онгу-шуури ўзгарди, тафаккури янгилади. Ҳуқуқий маданиятимиз ўсмоқда. Бунинг ҳар қадамда кузатиш мумкин. Олис қишлоғу маҳалла ва шаҳарларимиз чироий очмоқда. Бетақрор ва замонавий қурилишларни кўриб, кишининг ҳаваси, хайрати ортади. Ўз кучимиз, ўз имкониятимиз билан шундай бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганидан дилингиз гурурга тўлади. Ўзим меҳнат қилган «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлининг ишга туширилиши нафақат сурхондарёликлар, балки мамлакатимиз иқтисодиёти, темир йўл соҳаси тараққийида залворлик одим бўлди. Мамлакатимизда ягона темир йўл тизими бунёд этилиши билан бирга, жаҳонга чиқиш имконияти яратилди. Ахир бундан қувонмай бўладими?! Қолаверса, темирйўлчиларимиз ана шундай буюк ишлар қилишга қодир эканини намоиш этишди. Бу ишнинг давоми сифа-

✓ Кучли давлатдан — кучли жамият сари

Ҳар бир фуқаронинг овози

сайловда муҳим аҳамиятга эга

Сайловлар — келажакни белгилайдиган восита, деб биланман. Ҳар бир мамлакатнинг эртаси шунга боғлиқ, 23 декабрда бўладиган Президентлик сайловига одамларда ҳозирда ноқизиқчи жуда катта. Мамлакатимиздаги сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳи ўз номзодларини эълон қилди. Шунинг ўзиёқ демократия, ошқoрларнинг яққoл инфoдасидир. Халқимиз ўзи истоган номзодни қўллаб-қувватлашга тайин. Бу ҳам юртимизда олиб бoриладиган кенг қамровли ислохотларнинг натижасидир. Энг муҳими, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамия-

тида бугун Қашқадарё ва Сурхонвоҳида улкан завод-фабрика, ўқув муассасалари, турар жой бинолари дунёга келатди. Ишончим қoмил, яқин йилларда ана шундай оламшумул одимларимиз ўзининг ширин мевасини беради.

Ўтган 16 йилда мамлакатимиз нафақат иқтисодий жиҳатдан ўзини тутиб олди, оёққа турди, барқарор тараққийёт йўлига чиқди. Балки демократия янгилади, мамлакатни модернизациялаш бўйича ислохотлар изчил олиб бoриляпти. Демократик тамойилларга асосланган миллий сайлов тизими шаклланди.

ят сари одимлаётган мамлакатимизда ҳар бир юртодмишимизнинг давлат бошқарувида хоҳиш-иродаси инобатга олинмоқда. Ҳар бир фуқаронинг овози сайловда муҳим аҳамиятга эга. Биз юртимизда адолатли сайлов тизимини шакллантирган эканмиз, бу ўзимиз интилайган, қураётган жамиятнинг асосларини тобора мустақамлаб бoраётганимиздан ҳам бир нишондир.

Ҳамза МАҲКАМОВ,
Ўзбекистон Қoҳрамони,
ХДП аъзosi, «Ўзбекистон
темир йўллари» ДАК
166-йўл машина
станцияси машинисти.

Сайлов ҳақида Саволингиз борми?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ишончи вакиллари бевосита сайлов кампанияси давомида номзодга ҳар томонлама кўмаклашиб, сайловчиларга уни ақиндан таништириш мақсадида сайлов округларида, аҳоли тўпланадиган жойларда номзоднинг таржимаи ҳоли, меҳнат фаолияти тўғрисида маълумот берадилар.

Ишончи вакиллarga қандай талаблар қўйилди?
— Номзодлар ўзларига ишончи вакиллари ўз хоҳишларига ҳамда амалдаги қoнунчиликка асосан танилади. Ишончи вакиллари

номзодни яхши биладиган, сайлов қoнунчилигини чуқур ўрганган, аҳоли орасида юқори обрў-ҳурматга эга Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши мумкин.

Ишончи вакил судланмаган, устидан жиноят иши қўзғатилмаган, ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга, давлат тилини яхши биладиган бўлиши талаб этилади.

Кимлар ишончи вакил бўла олмайдими?
— Сайловда Президентликка ўз номзодини қўйган шахслар, давлат лавозими эгаллаб турган мансабдор шахслар, сайлов комиссиялари аъзолари ишончи вакил бўла олмайдилар. Давлат хизматчилари ишончи вакил бўлиб ишлаётган

даврдa ўз лавозимидан бўшаса ҳамда ишдан бўшатилгани ҳақида тегишли ҳужжатдан нусхаси Марказий сайлов комиссиясига тақдим этса, ишончи вакил бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ўзлари хоҳлаганича ишончи вакиллари олиши мумкинми? Эки қoнунда бунинг чегараси, сони кўрсатилгани?

— Қoнун Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодга 15 нафарга эга ишончи вакилга эга бўлиш ҳуқуқини беради. Номзод ўз ишончи вакиллари танлаб, улар тўғрисидаги маълумотларни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади.

Дилдора — миллий танлов ғолибаси

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида бу йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгайди. Бунда турли вазирилик ва идоралар, муассасалар билан биргаликда ўз ҳисосати ташкилотлари ҳам ўз ҳисосати қўшмоқда. Хотин-қизларга ижтимоий мадад кўрсатиш, уларни рағбатлантириш, жамиятимиз таянчи бўлиши оила институтини ҳар томонлама мустақамлаш, унинг фаровонлигини ошириш «Аёллар кенгаши» жомаот бирлашмаси фаолиятининг муҳим йўналишларидандир. Қорақалпоғистон Республикасининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида муртафакцияли ўтказилди, юртимиз хотин-қизларда катта қизиқши уйғотган «Йил аёли» биринчи миллий танлови бунинг яна бир далилидир.

Ижодий бeллашувда олтин нафардан зиёд аёл иштирок этди. Уларнинг ўн тўрт нафари якуний босқичда ўз маҳоратини намоиш этиш имкониятига эга бўлди. Қатнашчилар биллимини баҳолашда аёлларнинг тафаккури, меҳнат фаолиятида эришган ютуқлари, дунёқарши, оилавий анъаналарга муносабати, пазанделиги, уй-рўзгор турлигига ижодий ёндашуви, санъатга қизиқиши ва қoбилитига алоҳида эътибор қаратилди. Танловнинг яна бир муҳим шартларидан бири — аёлларнинг Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларига кўмак кўрсатишга қартилган ижтимоий аҳамиятга молика тадбирлардаги иштироки ҳам ҳисобга олинди.

Биринчи ўрин самарқандлик гиламдўз, «Самарқанд — Бухоро илак гилами» қўшма корхонаси менежери, Самарқанд давлат чет тиллар институти магистранти, икки фарзанднинг онаси Дилдора Ниёзовага насиб этди.

Россия... бир қадам

«Урганч-Саратов» йўловчи поезди йўлга қўйилишини воҳа ахли шундай таърифлашапти. Ҳафтанинг чоршанба кuni Урганчдан чиқадиган тезорар поезди икки кечакундуздан сўнг Россиянинг Саратов шаҳрига йўловчиларни етказди. Жума кuni Саратовдан қайтиб, бозор куниси тагин Урганчда бўлди.

Поезд таркибида ўн олти вагон бўлиб, бир йўла 700 йўловчига хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Ҳаво ва автомобиль транспортидан кўра, арзонлиги боис Россияга саёҳат эки тадбиркорлик учун бoраётган йўловчиларга янги йўналиш очилганлиги жуда манзур бўлди.

Марказий сайлов комиссияси ишончи вакиллари рўйхатга олиб, уларга белгиланган тартибда гувоҳнома берганидан кейингина ишончи вакиллари ўз фаолиятини бошлаши мумкин. Ушбу қойда мажбурий эмас, яъни номзоднинг хоҳишига кўра ишончи вакиллари 15 нафардан кам бўлиши ҳам мумкин. Номзоднинг 15 нафаргача ишончи вакилга эга бўлиши бевосита унинг республика миқёсида барча ҳудудда, яъни барча сайлов округларида сайловда ташвиқоти аналга оширишга имкон яратиш мақсадида белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда 14 та сайлов округи тузилганини ҳисобга олсак, сайлов кампанияси давомида номзоднинг ишончи вакиллари бир вақтингиз ўзида барча сайлов округларида номзодга ҳар томонлама кўмаклашиш, сайловдаги ташвиқоти олиб бoриш ҳуқуқи кафолатланган.

Назoқoт УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири
Аълo АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА)
олган сурат

Рўзимбой ҲАСАН

«Обуна — 2008»

«Севимли нашримизга яна обуна бўлдик...»

— Оммавий ахборот воситаларисиз ҳаётни тасаввур этиш қийин, — дейди **Деновадга 1-шифохона бош шифокори, ҲХДП аъзosi Эътибор Ҳўжаева**. — Шифокорларимиз ҳар йили 20 номдаги газета-журналга обуна бўлади. Шифохонамизнинг «Маънавият ва маърифат» хонасида газеталарнинг таҳлиллари сақланади. Истаган вақтда улардан фойдаланиш мумкин. Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтиб ўтай: ҳар бир кишининг ўз сеvimли нашри бўлади. Саломатлик посбонлари ҳисобланган шифокорларимизнинг

қўнчилиги «Ўзбекистон овозини» мутотла қилишади. Мана уч йилдирки, ҳар йили шу нашрга ўн киши обуна бўляпти. Шу эгзу анъанани давом эттирган ҳолда, келгуси йил учун ҳам ўн нафар ходимимиз «Ўзбекистон овози»га обуна бўлди. Унда ёритилаётган долзарб мавзулар, партиядошларимизнинг хайрли ишлари, танқидий ва тахлилий қишлар, дунё янгиликлари бизда қизиқши уйғотди. Мавриди келганда шунинг ҳам айтиш лoзимки, биз пойтахтдан узoқда яшаймиз. Нашр орқали мамлакатимизда машҳур тиббиёт муассасалари,

олимлар, илмий-марказларда тўпланаётган тажрибалар, шунингдек, жаҳон тиббиёти янгиликлари билан танишиб бoраялмиз.

Маълумки, шифокорлар ҲХДП электорати ҳисобланади. Шу боис, газетамизда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар, тиббиёт ходимларининг ишлари изчил ёритиб бoрилмоқда. Демак, газетамизга обуна бўлиш ҳар бир шифокорга фақат фойда келтиради.

Абдураҳим ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири

Ўз касбининг усталари



Марғилонлик тандир устаси Маҳаммадали ота Қoзoқoви Юсуфжон қизиқ маҳалласи ахли яхши билади. Меҳнатқаш, жонқуяр, одамлардан ўзининг ёрдами аямайди. У ота касбининг ҳақиқий фидойисини давомчиларидир. Маҳаммадали Қoзoқoв отасидан тандир ясаш сирларини ўрганган эди. Бугун эса кесалик гаштини сураётган отага ўғиллари — Мўмин, Эмин, Қoбил ва Қодир ёрдамчи, елкадош.

Айни вақтда уста «Кулол» хусусий фирмаси етакчисини. Улар нонининг қизариб пишиши ва осон узилиши тандирнинг сифатига боғлиқлигини яхши билишади. Шу боис ўз ишларига сидқидилдан ёндашиб, тандир ясайдилар.

Суратларда: Маҳаммадали Қoзoқoв тайёр тандир сифатини кўздан кечирмоқда; марғилонлик навоий Аҳмадқoн Умрoқoв ўзи ёлган ноиларни намоиш қилмоқда.

Муқимжон ҚOДИРОВ (ЎЗА)
олган суратлар.






ВАТАННИНГ МАТОНАТЛИ ФАРЗАНДЛАРИ!



Рустам ҚОРИЕВ,
жамоа бошлиғи



Анвар ИСМАИЛОВ,
бош мураббий




Абдуҷамил ШУКУРОВ,
жамоа сардори, ярим
ҳимоячи




Зоҳирҳоджа ТАШХОДЖАЕВ,
дарвозабон



Ҳикмат РАСУЛОВ,
дарвозабон



Қудрат ХУДОЙҚУЛОВ,
ҳимоячи



Азизжон АЗИМОВ,
ҳимоячи



Аъзам ИСМАТОВ,
ҳужумчи



Ҳайдарали ТУРСУНБАЕВ,
ҳужумчи



Муҳаммадазиз АРАПОВ,
ярим ҳимоячи



Азиз АБДУРАҲМОНОВ,
ҳужумчи



Нуриддин ТУРСУНОВ,
ҳимоячи



Павел СУЛЕЙМОНОВ,
ярим ҳимоячи



Бахтиёр РАЖАБОВ,
ҳимоячи



Рустам МЕҲМОНОВ,
жамоа шифокори



Чемпион футболчиларимиз тақдирланди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистонда спорт аҳоли, жумладан, жисмоний имкониятлари чекланган ва ногиронлар ўртасида ҳам кенг омаллашиб бормоқда. Бунда мамлакатимизда ногиронларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб, уларнинг таълим олиши, ишлаши ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шароит яратилаётгани мўъжиз бўлмоқда.

Туркияда ўтказилган жаҳон чемпионатида ногирон футболчиларимиз халқимизнинг спорт соҳасидаги юксак салоҳиятини, ҳеч қачон ва ҳеч қимдан кам бўлмастлигини яна бир қарра намоян этди. Ўзбекистонлик чарм тўп усталари нуфузли мусобақанинг биринчи учрашувидаёқ уч қарра жаҳон чемпиони — Бразилия футболчиларини 3:2 ҳисобида доғда қолдирди. Кейинги ўйинларда Сьерра-Леоне, Эрон, Нигерия, Украина, Либерия, Туркия футболчилари устидан ҳам ишончли ғалабага эришди. Финал учрашувида эса уч қарра жаҳон чемпиони — Россия футболчилари ҳамюртларимизнинг 2:1 ҳисобидаги устунлигини тан олди.

Спортчиларни тақдирлаш маросимида футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси бош мураббийси Анвар Исмаиловга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» ва бир гуруҳ ногирон футболчиларга «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвонлари ҳамда жаҳон чемпионлигига эришган мазкур жамоага Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғаси — «SUZU» автобуси тантанали равишда топширилди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев топширди.

— Ватанимиз мустақилликка эришган, спортчиларимиз халқро майдонларда эркин қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди, — дейди футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси аъзоси Азиз Азимов. — Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва ёшлар камолотида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳон чемпионатида майдонга тушганимизда ана шу эътибор ва ғамхўрликни дилдан ҳис қилиб турдик. Бу кучимизга-куч қўшди, ғалабага бўлган ишончимизни янада оширди.

Маросимда сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбарига мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатилган доимий эътибори учун миннатдорлик изҳор этиб, бундай ғамхўрликка жавобан келгуси мусобақаларда ҳам давлатимиз байроғини юқори кўтаришга интилишларини алоҳида таъкидладилар.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА муҳбири



Футбол бўйича ампутантлар ўртасидаги VIII жаҳон чемпионати. 2007 йил 11-22 ноябрь. Туркия, Анталия.

«А» гуруҳи
РОССИЯ, АНГЛИЯ, ФРАНЦИЯ,
ТУРКИЯ, ЛИБЕРИЯ, ГАНА

«В» гуруҳи
БРАЗИЛИЯ, УКРАИНА,
ЎЗБЕКИСТОН,

ЭРОН, НИГЕРИЯ, СЬЕРРА-ЛЕОНЕ

Терма жамоамиз иштирокидаги учрашувлар натижалари:

Гуруҳ баҳслари
I тур, 2007 йил 13 ноябрь
Бразилия — ЎЗБЕКИСТОН — 2:3
(Гулларни вакилларимиздан Ҳайдарали Турсунбаев, Азиз Абдурахмонов, Азизжон Азимовлар киритди).

II тур, 2007 йил 14 ноябрь
ЎЗБЕКИСТОН — Сьерра-Леоне — 3:0
(Аъзам Исмаилов (иккита), Абдуҷамил Шукurov).

III тур, 2007 йил 16 ноябрь
Эрон — ЎЗБЕКИСТОН — 1:3
(Ҳайдарали Турсунбаев, Павел Сулеймонов, Абдуҷамил Шукurov).

IV тур, 2007 йил 17 ноябрь
ЎЗБЕКИСТОН — Нигерия — +: (Рақиб

жамоа мусобақа регламентини бузганлигини туфайли терма жамоамиз фойдасига 3:0 ҳисобида техник ғалаба ёзилди).

V тур, 2007 йил 18 ноябрь
Украина — ЎЗБЕКИСТОН — 0:2 (Ҳайдарали Турсунбаев, Абдуҷамил Шукurov).

Чорак финал ўйини
Либерия — ЎЗБЕКИСТОН — 1:7 (Абдуҷамил Шукurov (учта) Азиз Абдурахмонов (иккита), Ҳайдарали Турсунбаев, Аъзам Исмаилов).

Ярим финал учрашуви
Туркия — ЎЗБЕКИСТОН — 1:2 (Аъзам Исмаилов, Абдуҷамил Шукurov).

ФИНАЛ
ЎЗБЕКИСТОН — Россия — 2:1 (Абдуҷамил Шукurov, Қудрат Худойқулов).

ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛЧИЛАРИ
ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Чемпионларимизни, барча муҳлисларни, Ўзбекистон футбол федерацияси ва хомийлик ердани кўрсатган «Олимжон Акбаров» футбол клуби маъмуриятини улкан ғалаба билан яна бир бор қутлаймиз!

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
FeruZ NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afur HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihidin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RUMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ
DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLARI:
Partiya hayoti
133-10-13
Madaniyat va sport
133-69-45,
133-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
133-20-36,
133-44-55 (Tel. Faks)
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot
133-12-56
Kotibiyat
133-72-83,
136-55-17
Reklama va e'lonlar
133-38-55,
133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT,
MATBUOTCHILAR
KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Alisher RO'ZIEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi:
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshish faqat tahriyati ruxsati bilan amalga oshiriladi.

F — 1049
7824 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 22.30
1 2 3 4 5 6 7
Sotuvda erkin narxda